



## Ислом Нури

### Савол:

Шубҳали озиқ-овқатлар билан савдо қилиш мумкинми?

### Жавоб:

Албатта шубҳали нарсалардан йироқ бўлган тақвога яқинроқдир. Бу каби нарсаларни сотган одам бориб бориб ҳаром нарсаларни ҳам секин аста йўлини топиб сотишга ўтиб қолади.

Нўмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Ҳалол аниқдир, ҳаром ҳам аниқдир. Уларнинг орасида одамларнинг кўплари билмайдиган шубҳали нарсалар бордир. Ким шубҳали нарсалардан сақланса, динини ва обрўсини сақлабди. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушиб қолади. У гўё кўриқланган ер атрофида чорвасини ўтлатаётган чўпонга ўхшайдик, унинг қўйлари ўша (кўриқ ер) ичига кириб ўтлаб қолиши мумкин. Огоҳ бўлинглар, ҳар бир подшоҳнинг кўриқлари бор. Огоҳ бўлинглар, Аллоҳнинг ердаги кўриқлари Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлинглар, жасадда бир парча гўшт бор, агар у яхши бўлса жасаднинг ҳаммаси яхши бўлади, агар у бузилса, жасаднинг ҳаммаси бузилади. Огоҳ бўлинглар, у қалбдир» (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Одамларга бир замон келадик, киши молни ҳалолданми, ҳаромданми, қаердан топганига парво қилмай кўяди» (Бухорий ривояти).